8. Весьма часто при гастрите болезненный процесс распространяется на кишечник, в связи с чем наблюдаются воспалительные изменения в толстом или тонком кишечнике (колит или энтероколит). При вышеуказанных сопутствующих заболеваниях имеют место другие симптомы (понос, запор, боли в нижней части живота и т.д.).

9. Не пейте (воду, чай и др.) одновременно с едой, не спешите во время еды, пища должна быть по возможности сухой, тщательно ее пережевывайте, не перекармливайте. Всегда должно оставаться чувство голода, не садитесь за стол в озорочном, перевозбужденном, переутомленном состоянии, плохом настроении и т.д. Не употребляйте приправы, соусы и т.д., не пейте крепкий чай, кофе, алкогольные напитки, не курите, не ешьте жареную и жирную пищу, хлеб и др. Мучные продукты с кислыми фруктами, неспелые фрукты, белковую и крахмальную пищу употребляйте в отдельности, ешьте только при наличии аппетита, лучше пропустите еду. Питайтесь только естественной пищей, не ешьте рафинированную пищу, овощи не варите в воде, но готовьте их на пару, при наличии метеоризма пропустите 1-2 приема пищи, выпив не спеша, немного горячей воды и др.

10. Существуют компрессы, ванны, обливания, обмывания, питье воды, обертывания, уринотерапия, медотерапия, климатотерапия, массаж живота, фитотерапия, традиционная медицина, нетрадиционная медицина и другие способы (методы) лечения гастритов.

Сафар МУХАММАДИЕВ,
доцент.

Умр лаҳзалари

САРҲАДСИЗ БИЛИМЛАР УММОНИДА

Инсонлар бўладики, ўзининг мазмунли ҳаётини кўпроқ ўзи учун эмас, балки ўзи ишлаётган соҳа ривожини, халқи учун фидоийлик билан ўтказди. Тиббиёт фанлари доктори, профессор, ҳозирда академик В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган жарроҳлик марказида қизил ўнғач ва меъда-ичак бўлими бош илмий ходими Абдулла Матқаримович Худойбергандан ана шундай инсонлардан бири ҳисобланади.

Абдулла ака ҳаётига назар солсак, биринчи гада унинг тиббиёт соҳасида катта таш-лотчи эканлиги кўзга ташланади. Бундай инсонларда жавобгарлик ҳисси, ташаббускорлик гоғялари банд бўлади. Ҳамма ҳам осонгина ташкилотчи, раҳбар бўлиб кетавермайди. Биринчи гада билим, ақл-заковат, бошқалардан ўрганиш ва бошқаларга ўргатиш, янгилик-ка интилиш ҳиссийатлари унинг қонида бўлиши лозим. Айтганимиздек, Абдулла акада бу хислатларнинг барчаси мужас-сар.

Қорақалпоғистон Республикасининг Тўртқўл шаҳрида ту-

тилган А. Худойбергандан 1953 йилда ўрта мактабни аъло ба-ҳоларга битириб, Тошкент тиб-биёт институти (ҳозирги Тош-кент Тиббиёт академияси)нинг даволаш факультетида ўқишга ки-ради. У талабалик йилларида жарроҳлик касбига меҳр қўйиб, машур жарроҳ, профессор С. Масумовдан мазкур соҳанинг сир-асрорларини мукаммал ўр-ғанади. 1959 йили институти-ни қизил диплом билан тугат-ган А. Худойбергандан Қорақал-поғистон Республикасининг Мўй-ноқ туман марказий касал-хонасида бош шифокорнинг да-волаш ишлари бўйича ўринбо-сари ва ординатор-жарроҳ

бўлиб ишлади. Бир йилдан сўнг Нукус марказий шифохона-си жарроҳи, шифохона бош ши-фокори ва кейинчалик Қорақал-поғистон Республикаси Соғлиқ-ни сақлаш вазири лавозимлари-да фаолият кўрсатади. 1981 йилда эса Ўзбекистон Респуб-ликаси Соғлиқни сақлаш вази-ри лавозимига тайинланади ва 5 йил тиббиёт тизими ривожига муносиб ҳисса қўшади. Айниқ-са, вилоят марказий шифохона-лари, илмий-амалий кадрлар сифатида алоҳида эътибор қара-тади.

Абдулла акадаги тиниб-тинчи-маслик, ташаббускорлик, уни янги ишларга чорлади. Мустақил-лик йилларида бошлаб, давла-тимиз тиббиётида хусусий сек-тор фаолият кўрсата бошлади. Лекин хусусий тиббиёт ким ол-дида жавобгар, ким уни ҳимоя қилади, ким улар билан ишла-ди, деган қатор саволлар пайдо бўлади. Чет элда хусусий сектор билан Вrachлар Ассоциацияси шу-ғулланади. Бизда-чи?

1992 йилда А. Худойбергандан бошчилигида Ўзбекистон ши-фокорлар уюшмаси тузилиб, вило-ят бўлимлари ташкил этилди. Мана 14 йилдирки, Абдулла ака ушбу уюшма раиси. У фаолияти мобайнида уюшманинг ишчи тар-кибини кенгайтириб, аъзолар со-нини янада оширди, шу билан бирга «Ўзбекистон Вrachлар уюш-маси бюллетени»ни ташкил этиб, мазкур журналда муҳаррирлик қилмоқда.

Заҳматқаш инсон 1976 йилда хирургия соҳасида номзодлик, 1992 йилда докторлик диссерта-циясини ёқлади. 100 дан ортққ илмий мақолаларнинг муаллифи-дир. Бетакорор олимнинг меҳнат ва илмий фаолияти юксак тақдир-



ланди. У «Қорақалпоғистонда хизмат кўрсатган шифокор», «Хизмат кўрсатган фан арбоби» унвонларини олиб, Қорақалпоғ-истон ва Ўзбекистон Олий мажлиси депутати бўлди. Энг асосийси, ана шундай олижа-нат инсоннинг ҳаёти, мамлақ-кат ва халқнинг қайнаб турган ҳаёти билан доимо ҳамоҳанг-дир.

Абдулла Худойбергандан ҳадемай 70 баҳорни қарши олади. У бу ёшни ўзининг шижоатли, тинимсиз меҳнатлари эл саодати йўлидаги залворли хизматлари билан босиб ўтди. Биз умрини тиббиёт соҳасига бахшида этган инсонни та-валлуд айёми билан самимий муборақбод этиб, келгуси ишларида улкан муваффақиятлар тилаб қоламиз.

Эркин ТУРСУНОВ,
профессор, Уюшма фахрий врачлар кўмитаси раиси.

МЕҲНАТЛАР САРҲИСОБИ

7 апрель — Умумжаҳон саломатлик куни муносабати билан бутун дунёда, шу жумладан республикамизнинг бар-ча тиббиёт муассасаларида фаолият юритаётган тиббиёт ходимларининг аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш йўлидаги меҳнатларини қадрлаш ва уларга алоҳида эъти-бор қаратиш мақсадида жойларда турли тадбирлар ўтқа-зилди.

Шу маънода 6 апрель куни ЭКОСАН халқаро ташкилотиди-га ҳам мазкур санага бағишланган тадбир бўлиб ўтди. Унда Соғлиқ-ни сақлаш вазири, Ўзбекис-

га хизмат кўрсатган тиббиёт ходимлари меҳнати алоҳида эътиборга олинган ҳолда улар-га ЭКОСАН ташкилотининг эс-далик совғалари топширилди.



тон журналистлари ижодий уюшмасининг раҳбар вакилла-ри, тиббиёт институтилари про-фессор-ўқитувчилари, ЭКОСАН саломатлик поезди шифокорла-ри ҳамда оммавий ахборот во-ситалари ходимлари иштирок этдилар.

Шунингдек, мутахассислар билан бўлган учрашувда сало-матлик поезди таассуротлари, ишлар якуни муҳокама қили-ниб, Хоразм вилоятида аҳоли-

лар барча имтиҳонларни ота-оналар ҳузурда топширишлари йўлга қўйилган.

— Самарали тажриба ўқувчи билимининг баҳолашда адолатли-лик тамойилини таъминлаш би-лан бирга, ҳар хил эътирозларга ўрин қолдирмайди, — дейди кол-леж директори. — Чунки, йиғит-қизлар доимо ота-оналар назари-да бўладилар. Бу эса уларнинг яхши ўқиши, касб-хунарни чуқур эгадлашига ижобий таъсир қўра-тиши табиий.

Ҳамза ШУКУРОВ,
Самарқанд вилояти.

ИМТИҲОН... ОТА-ОНА ИШТИРОКИДА

Иштихон тиббиёт коллежи-да ўқитишнинг ноанъанавий, илгор усулларидан фойдала-нишга жиддий аҳамият бе-ришмоқда. Фан олимпиадала-ри, беллашувлар ва ҳар бир фан бўйича очик дарслар на-фақат ўқитувчилар, балки ота-оналарда ҳам катта қизи-қиш уйғотмоқда.

Янги педагогик технология-ларнинг жорий этилиши, дарс ўтиш услублари, айниқса, тала-баларга мазкур бўлаётганлиги-ни таъкидлаш муҳимдир. Аҳамиятли жиҳати шундаки, илм масканида тахсил олаётган ёш-

Янгиликлар

2006 йилнинг 7 апрель куни Тошкент шаҳар Соғ-лиқни сақлаш Бош бош-қармасининг мажлислар залида Бутунжаҳон сало-матлик куни муносабати билан Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилоти, Соғ-лиқни сақлаш вазири-ли, Республика Саломат-лик институти ҳамда унинг Тошкент шаҳар ва Тошкент вилоят филиал-лари ҳамкорлигида «Соғ-лиқни сақлаш – барча-амизнинг вазифамиз» шиори остида брифинг ўтказилди.



СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ – БАРЧАМИЗНИНГ ВАЗИФАМИЗ

Тадбирни Соғлиқни сақлаш вазириликнинг Кадрлар ва Ўқув юртлари Бош бошқармаси бошлиғи Ш. Отахонов кириш сўзи билан очиб, бугунги кун-да жаҳон соғлиқни сақлаш ти-зиммида кадрлар масаласи етишмаслиги, натижада тибби-ёт муассасаларида тиббий хо-

димлар, яъни акушер-гинеколог, фармацевт, стоматолог, терапевт ва шу каби кўплаб соҳа мутах-хассисларининг камлигини ало-ҳида таъкидлаб ўтди.

Шунингдек, Жаҳон Соғлиқни Сақлаш Ташкилотининг Ўзбекис-тондаги идораси бошлиғи вази-расини бажарувчи З. Ҳўжаев,

Республика Саломатлик инсти-тути директори З. Муталова ва бошқалар сўзга чиқиб, юқори-даги мавзу бўйича амалга ошираётган ишлари хусусида фикр-мулоҳазаларини билдир-дилар.

Сўнгра, мутахассислар ом-мавий ахборот воситалари хо-димларининг барча саволлари-га тўлақонли жавоб берди. Бахс ва мунозарага бой бўлган мазкур тадбир иштирокчилар-да катта таассурот қолдирди.

Холмурод РАББАНАЕВ.

ОНКОЛОГИЯ - ОСОБАЯ ОБЛАСТЬ МЕДИЦИНЫ, ГДЕ ОДИНАКОВО ВАЖНОЕ ЗНАЧЕНИЕ ИМЕЮТ КАК ВЫСОКАЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНАЯ ПОДГОТОВКА ВРАЧА, ТАК И УМЕНИЕ ЕГО КОНТАКТОВАТЬ С БОЛЬНЫМ ЧЕЛОВЕКОМ.

Нарушение этого единства может весьма печальным обра-зом отразиться на судьбе паци-ента. Неясность этиологии онко-логических заболеваний, сомне-ние больных в возможности из-лечения рака, калечащий харак-тер многих видов лечения, угро-жающая инвалидность, наконец, трагедии, которые переживают больные и близкие им люди - все это создает в любом онко-логическом учреждении, на каж-дом амбулаторном приеме онко-лога совершенно особую пси-хологическую атмосферу, предьявляющую свои исключи-тельные требования к искусству общения с больными.

Ведение беседы с онкоболь-ными требует выполнения опре-деленных правил: 1) Пока диа-гноз не подтвержден морфологи-чески, не должны иметь место

ДЕОНТОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ В ПРАКТИЧЕСКОЙ ОНКОЛОГИИ

никакие высказывания о сущнос-ти болезни ни родственникам, ни больному. 2) Если врач заподо-зрил у больного злокачественную опухоль, то родственникам и больному должна быть сразу дана в незапугивающей форме ориен-тировка на серьезность положе-ния и необходимость дообследо-вания. 3) Когда обследование за-вершается и судьба больного уже обсуждена на консилиуме, долж-ны состояться две беседы: одна с больным, вторая обязательно с близкими ему людьми. Больному надо сказать, что его форма бо-лезни излечима, не называя саму болезнь, а близким - диагноз, возможные осложнения после операции, вероятность неблагоп-риятного исхода.

Самым сложным для врача-он-колога является ежедневное об-щение с больными, обуреваемы-ми страхами и сомнениями, с

близкими им людьми, находя-щимися подчас на грани отчая-ния. «Буря эмоций» замыкается на враче-онкологе, и поэтому от его душевного состояния, деон-тологического мастерства зави-сит не только настроение, но и судьбы очень многих людей. Это очень трудно, требует большо-го ежедневного напряжения, но необходимо.

Врачи обязаны заботиться не только о спасении жизни чело-века, но и о создании вокруг больного правильной ободраю-щей моральной атмосферы. Он-колог обязан быть опытным и тонким психологом, найти сло-ва убеждения, причем разные для больного и для его род-ственников.

Х. МАМАЖАНОВА,
С. ДЖУМБАЕВА,
Т. ЯКОВЛЕВА,
К. КАРАБАЕВА, АндГосМИ.

Эътироф



ЭЛ ХИЗМАТИДА

Одатда оиламизда бирон-бири киши тўсатдан бетоб бўлиб қолса ёки аҳволи оғирлаша изтиробга тушиб, дарҳол, тез ёрдамга мурожаат қиламиз. Ўз навбатида чакирув варакасини олган тиббиёт ходими бир зумда манзилимизга етиб келади. Бемор аҳволини кўздан кечиргач, унга биринчи ёрдам кўрсатади. Бугунги кунда ҳаётимизни улар меҳнатисиз тасаввур қила олмаймиз. Куну тун эл хизматида бўлган тиббиёт ходимлари меҳнاتини баъзида ҳарбийларга қиёс қилгимиз келади.

Ана шундай ўз касбининг садоқатли инсонни бўлган Саломат Тўраева ўттиз йилдан буён Тошқент шаҳар тез тиббий ёрдам станциясининг 8-бўлимида самарали меҳнат қилиб келмоқда. Тажрибали фельдшер Сирғали туманида истикомат қилаётган 152 минг аҳолига тиббий хизмат кўрсатиб, улар дардида



малҳам бўлмоқда. Хар сафар навбатчилик иш кунни тугаганда у қандай беморлар уйига борганини, уларнинг кейинги аҳволи нима бўлгани ҳақида ўйга толади. Уларга озми-кўпми нафи тегаётганидан мамнун бўлади. Саломат илк бор ишга келганида устози Валентина Каримова уни ўз иш фаолияти билан таништирган беихтир эсига тушади. Балки ўша устозининг шогирдига бўлган илиқ муносабатими ёки унинг пухта ўғитларими, касб бўйича берган тўғри йўналишими, ҳар қалай Саломатнинг ўз касбига бўлган меҳрини янада оширди. Бу албатта устози Валентина Каримованинг меҳнати маҳсулидир. - Жамоамизда 53 нафар тажрибали шифокору ҳамширалар халқ саломатлиги йўлида фаолият юритмоқда, - дейди бўлим бошлиғи Умида Аҳмад-жоновна. - Саломат опанинг эл соғлиғи йўлидаги меҳнатлари таҳсинга лойиқ. У жамоамизда ширинсўз, тажрибали, эпчил, тезкор ходимларимиздан саналади. Биз опани меҳнатдан бахт топган аёл деб атаймиз.

Носир ХАЙДАР.

СУРАТЛАРДА: Саломат Тўраева навбатдаги чакирувга тайёргарлик кўрмоқда; тажрибали фельдшер ҳамкасблари даврасида. Муаллиф олган суратлар.

Долзарб мавзу

ЎЙМА ЗАҲАРЛИ БЎҚОҚ ВА ҲОМИЛАДОРЛИК

(Давоми. Боши ўтган сонларда).

Баъзан касалликнинг ўрта ва оғир кечишида ҳомиладорлик тиреотоксикозни кўчатириши кузатилади. Ҳомиладорликнинг 28-30 ҳафталарида юрак етишмовчилиги вужудга келиши мумкин. Беморларда тахикардия, юракнинг тартибсиз уриши, қон босимининг кўтарилиши кузатилади. Ҳомиладорлик билан кечадиган тиреотоксикоз яхши даволанмаса ҳомиладорликнинг кечишини оғирлаштирилади, айниқса ҳомиладорликнинг эрта токсикозлари оғир кечади, аборт ва вақтидан олдин туғиш эҳтимоли ортади, тиреотоксикоз кризи хавфи кучаяди. Ҳомилада ва туғилган чақалоқда ривожланишининг туғма нуқсонлари (гидро ва микроцефалия, гипоплазия, крипторхизм, киндик чов чурраси, юмшоқ танглай нуқсони, Даун касаллиги) бўлиши ҳоллари ҳамда ўлик бола туғилиш хавфи кўпаяди. Заҳарли бўқоғи бўлган қатор аёллардан туғилган чақалоқларда гипотиреоз аломатлари бўлиши мумкин. Бу ҳолат кўпинча тиреостатик дориларнинг катта дозалари билан даволанганда кўпроқ учрайди. Янги туғилган чақалоқдаги гипотиреоз ҳолати кўпинча бир неча ҳафта ичида ўтиб кетади ва қалқонсимон без фаолияти меъёрига келади. Баъзи ҳолларда етишмаган қалқонсимон без гормонларини ташқаридан юбориб қоплашга тўғри келади.

Ҳомиладорлик даврида аутоиммун тиреотоксикозга чалинган аёллардан туғилган болаларда фетал ёки неонатал гипертиреоз ривожланиши мумкин. Бунинг асосида ҳомиладор она қонидаги иммуноглобулинларнинг ҳомила қон айланишига ўтиб, унинг қалқонсимон безга таъсир этиши ётади. Фетал гипертиреоз фақат ҳомиладорликнинг йигирма бешинчи ҳафтасидан кейин ривожланиши мумкин. Ҳомиладан юрак уриши дақиқасига 160 дан ортисини унда фетал тиреотоксикоз борлигидан дарак бериши мумкин. Фетал тиреотоксикозни даволашнинг асоси онадаги тиреотоксикозни ўз вақтида тиреостатик дорилар ёрдамида даволашдан иборат.

Неонатал тиреотоксикозни даволаш учун туғилган болаларга метимазол (қунига 0,5-1 мг/кг) ёки пропилтиоурацил (қунига 5-10 мг/кг) қунига уч марта бериш буюрилади. Касаллик оғир кечганда илгари синтез бўлган қалқонсимон без гормонлари акралашиши камайтириш мақсадида йодиднинг тўйинган эритмасини қунига бир томчидан уч ҳафтагача буюриш мумкин. Оғир ҳолларда давога глюкокортикоидлар қўшилади. Глюкокортикоидлар умумий таъсирдан ташқари Т4нинг Т3га конверсия бўлишини камайтириш ва тўхтатиш хусусиятига эга.

Заҳарли бўқоқ билан хастанган аёлларда турғуқ жараёни нисбатан тезроқ бўлиб, кўпинча асоратсиз кечади. Турғуқдан сўнг одатда тиреотоксикоз аломатлари кучаяди. Бу даврда қалқонсимон без гормонлари таъсирини даволашнинг асоси суйилиши томонига ўзгариб, қон кетиш ҳоллари кузатилиши мумкин.

Заҳарли бўқоқ билан аёлларга ҳомиладорлик даври улардан оғир кечишини ҳамда туғма нуқсонли, мажруҳ болалар туғилиши мумкинлигини тушунтириб, ҳомиладорликни тўхтатиш тавсия этилади. Заҳарли бўқоқнинг енгил кечишида ҳомиладорликни сақлаб қолишга руҳсат бериш мумкин. Агар заҳарли бўқоқ бўлган ҳомиладор аёл врач маслаҳатларига қўнмасдан туғишга аҳд қилса, у ҳолда ва аёл эндокринолог ва акушер-гинеколог назоратида бўлиши керак.

Заҳарли бўқоқ билан касалланган аёллар ҳомиладорликнинг илк даврида ноқулай шифохонага ётқизиб даволанади, чунки хасталикнинг бу босқичида касаллик авж олади ва ҳомила туғиш хавфи кўп учрайди. Бундан ташқари, ҳомиладор аёл аҳволи оғирлашганда, ҳомиладорлик асоратлари вужудга келганда у шифохонага ётқизибли даволаниши лозим.

Ҳомиладорлик даврида беморлар дам олиши ва иш тартибини тўғри ташкил қилиб, салбий руҳий таъсирлардан ва асабийлашшдан мумкин қадар сақлаб қўлиб ҳаёт кечиришлари керак. Бу даврда аёллар истеъмол қилмаган овқатларнинг таркиби витаминларга бой ва сифатли бўлиши керак.

Ҳозирги кунда заҳарли бўқоқ бўлган аёллардан туғилган болаларнинг нуқсонли ва мажруҳ бўлишининг асосий сабаби модда алмашинувнинг гипертиреоз ҳолати эканлиги исботланган. Шунинг учун ҳомиладорликнинг асоратсиз кечишини ва

соғлом бола туғилишини таъминлашнинг асосий йўли ҳомиладор аёлларда модда алмашинувини эутиреоз ҳолатига келтиришдир. Бунинг учун заҳарли бўқоқ бўлган ҳомиладор аёлларга тиреостатик дорилар кичик дозаларда буюрилади. Тиреотоксикознинг оғирлиғига қараб тиреостатик дориларнинг бошланғич дозаси каттароқ бўлади, модда алмашинуви эутиреоз ҳолатига келиши билан тиреостатик дорилар дозаси камайтирилиб, қувватлаб турувчи дозада давом эттирилади.

Тиреостатик дориларда (мерказолил, карбимазол, пропилтиоурацил) тератоген таъсири топилмаган. Аммо улар йўлдош орқали ҳомила танасига ўтиб, ҳомиланинг қалқонсимон безига таъсир қилиши мумкин. Шунинг учун ҳомиладор аёлларда тиреостатик дориларни эутиреозни таъминлайдиган иложи борича кичик дозасини қўллаш керак. (5-жадвал).

ТИРЕОСТАТИК ДОРИЛАРНИНГ ҲОМИЛАДОРЛИК ДАВРИДА ҚўЛЛаниладиган дозалари

Препарат номи	Бошланғич доза мг/сут.	Қувватлаб турувчи доза мг/суткада
Пропилтиоурацил	300-450	50-150
Карбимазол	15-20	5-15
Тиамазол (мерказолил)	10-15	2,5-10

Ҳомиладорлик даврида пропилтиоурацилни қўллаш кўпроқ тавсия қилинади. Мерказолилни ҳомиладорликнинг эрта муддатларида буюриш мумкин.

Ҳомиладорлик даврида пропилтиоурацил қўллашнинг қўйидаги афзалликлари бор: пропилтиоурацилни организмдан ярим чиқиши жигар ва буйрак етишмовчилиги борлигига боғлиқ эмас; унинг кинетикаси ҳомиладорлик даврида ўзгармайди; пропилтиоурацил мерказолилга нисбатан кўпроқ оқсиллар билан боғланиш хусусиятига эга бўлгани учун унинг липофиллик хусусияти чекланган бўлиб, гематолог мембраналардан (йўлдош ва кўкрак беги эпителий ҳужайралари) ўтиш қобилияти мерказолилга нисбатан камроқ ва шу сабабли пропилтиоурацил мерказолилга нисбатан камроқ она сўтига ўтади.

Тионамидларни катта дозалари билан қалқонсимон без гормонларини (тироксин) бирга қўллаб даволаш ҳомиладорликда тавсия этилмайди. Бундай усул билан даволанганда ҳомиладор аёлда эутиреоз вужудга келиши мумкин, аммо ҳомилада эса гипотиреоз тараққий этиш имконияти катта бўлади. Бунинг сабаби тиреостатик дориларнинг қалқонсимон без гормонларидан фарқи равишда ондан йўлдош орқали ҳомила қон айланишига бемалол ўтшидир.

Ҳомиладорликда тиреотоксикозни даволаш учун жарроҳлик усулидан камдан-кам фойдаланилади. Ҳомиладор аёлларда тионамидлар салбий таъсир кўрсатганда, уларни юқори дозаларда қабул қилиш эҳтиёжи туғилганда, бўқоқ жуда катта бўлганда ва унда парчаланishi аломатлари сезилганда даво жарроҳлик усулида амалга оширилади.

Ҳомиладор аёлларда тиреотоксикозни давосининг таъсирчанлигини назорат қилиш учун қонда эр Т3 ва эр Т4 ларнинг микдори аниқланади. Ҳомилада гипотиреоз ривожланишини олдини олиш учун ҳомиладор аёллар қонда эр Т3 ва эр Т4 лар микдорини меъёрнинг юқори чегарасида ушлаб туришга ҳаракат қилиш керак. Ҳомиладорликнинг ҳар хил даврларида ТТГнинг физиологик ўзгаришлари борлиги сабабли ҳомиладор аёлларда тиреотоксикоз давосининг сифати тўғрисида фикр юритиш учун ТТГнинг микдорини аниқлаш ишончли кўрсаткич ҳисобланмайди.

Тиреостатик дорилар қалқонсимон без гормонларининг синтезини камайтиради, аммо синтезланиб бўлган гормонларнинг секрециясига таъсир қилмайди. Шунинг учун тиреостатик дорилар билан даволашнинг дастлабки даврларида юмшоқ таъсирли седатив препаратларни (валериана илдиизи дамламаси) қўллаш тавсия этилади. Бетта-адреноблокатор дорилар окситрошлага ўхшаган бачадоннинг қисқаришини қучайтирадиган хусусиятига эга бўлгани ҳамда ҳомилада гипогликемия ва брадикардия юзага чиқаргани учун заҳарли бўқоқ бўлган ҳомиладор аёлларда қўлланилмайди. Ҳомиладорлик даврида заҳарли бўқоқни даволаш учун радиоактив йоддан фойдаланиш ман этилади. Қон босими баланд аёлларга резерпинни ўртача шифо дозаларида (0,25 мг дан қунига 3 марта) буюриш ҳомиладорлик ва ҳомилага салбий таъсир кўрсатмайди. Юрак фаолиятининг етишмовчилиги вужудга келганда, унга мувофиқ кардиологик ёрдам берилади. Тиреостатик дорилар кўкрак сўтига ўтгани учун она эмизиклик даврида тиреостатик дориларни қабул қилишни тўхтатиш тавсия этилади ёки бу дориларни қабул қилишни давом эттиришга тўғри келса, чақалоқни кўкракдан ажратиш максадга мувофиқ бўлади.

Баъзи маълумотларга кўра тионамидлар кичик дозаларда (мерказолил қунига 15 мг гача, пропилтиоурацил қунига 150 мг гача) эмизикли аёлларга буюрилади балаларининг қалқонсимон беги фаолиятига таъсир кўрсатмайди.

Туғиш ёшидаги аёлларда ёйма заҳарли бўқоқ бўлса, у ҳолда касаллик турғун ремиссия ҳолатига келгунча бу аёллар контрацепциянинг бирор-бир турини қўллаб, ҳомиладорликдан сақланишлари керак.

Зоирхўжа АКБАРОВ,
Эндокринология илмий-тектиршиш институтининг диабетология бўлими раҳбари, профессор,
Муассар РАХИМЖОНОВА,
катта илмий ходим,
тиббиёт фанлари номзоди.
(Давоми бор).

Мутахассис огоҳлантиради



мик ишлов берганда, қайнатганда ёки қовурганда ҳам таркибидаги захарли моддалар парчаланмайди ва зарарсизланмайди. Захарли кўзиқоринларни истеъмол қилиш оқибатида марказий асаб тизими, жигар ва шунга ўхшаш бошқа организмларнинг ишлаш фаолияти бузилиб, оғир асоратларни келтириб чиқаради. Хўш, бу каби масалалар бугун қай даражада ўз ечимини топмоқда? Бу борада Ўзбекистон

КЎЗИҚОРИНДАН ЗАХАРЛАНИШ МУМКИНМИ?

Токи ўсимлик дунёси мавжуд экан, инсоният унинг кучоғидан баҳра олиб, ҳаёт деб аталмиш буюк неъматни ардоқлаб яшайди. Керак бўлса, умрини, ҳаётини, қолаверса, бутун меҳнат фаолиятини табиатнинг нозик сиру синоатларидан деб билади. Яшаш учун кураш давомида эса тириклик суви ни она табиатнинг шифобахш нозу неъматларисиз тасаввур эта олмайди. Лекин тақдирнинг йўли текис бўлмаганидек, баъзан ўсимлик дунёсининг вужудими бўйлаб берган дилозор, зарарли нашилдаларини кўрганимизда билмайин хато қилганимизни, табиат қонуниятларига ҳатто эид борганлигимизни кеч англаб етмайиз. Бугунги суҳбатимиз табиатнинг гулдурас чақмоқларидан эндигина кўз очган кўзиқорин неъматларининг зарарли оқибатлари ҳақида боради.

Баҳор мавсуми келиши билан кунлар исиб, ёгингарчиликлар туфайли қир-адирлар, майсазор ва арик бўйларида турил хилдаги истеъмолга яроқсиз захарли кўзиқоринларга кўп бора дуч келамиз. Бу каби табиат неъматларини фарқиға бормайдиган кўзиқорин ҳаваскорлари эса билмаган ҳолда мухамор, захарли оқ кўзиқорин, бледная поганка, лепиорта никорниата сингари кўзиқоринларни териб, деҳқон бозорлари, катта автомагистраль кўчаларида сотаётганликларининг гувоҳи бўламиз.


Ёввойи ҳолда ўсадиган кўзиқоринларнинг аҳоли учун захарли томони шундаки, уларга тер-

Республикаси Бош Давлат санитария врачининг «Ёввойи ҳолда ўсадиган кўзиқоринларни териб ва сотишни тақиқлаш тўғрисида»ги Қарори ва ҳудудий ДСНЭМлар ҳамда «Саломатлик марказлари»нинг мутахассислари томонидан аҳоли ўртасида «Кўзиқориндан захарланишнинг олдини олиш» бўйича ўтказилаётган ушлуксиз санитария-тарғибот ишлари фикримизнинг ёрқин далилидир. Юқорида қайд этилганларга асосланиб, аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш ва кўзиқориндан захарланишнинг олдини олиш мақсадида қуйидагиларни тавсия этамиз:

- истеъмолга яроқли ва яроқсиз бўлган кўзиқоринларни аниқ ажрата олмасангиз кўзиқорин терманг ва истеъмол қилманг;
- бозорлардан ва савдо корхоналаридан кўзиқорин сотиб олмоқчи бўлсангиз, албатта, гигиеник ва мувофиқлик сертификатларини талаб қилинг;
- агарда кўзиқорин истеъмол қилганингиздан сўнг, ўзингизни ёмон сезсангиз, қорнингиз оғри-са, кўнгул айниса, қайт қилсангиз, кўриш қобилиятингиз қийинлашса зудлик билан «Тез тиббий ёрдам хизмати»га мурожаат қилинг.

Хурматли юртдошлар, ушбу тавсияларга риоя қилсак, туғилиши мумкин бўлган ҳавф-хатарлардан сақланиб қолган бўламиз.

Абдуҳаким СОТВОЛДИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Республика Давлат санитария-эпидемиология назорат марказининг оқватланиш гигиена бўлими мудир.



Она замин тўхфа этган гўзал табиат дилларга завқ бағишлайди. Сурат муаллифи А. ПОПОВ.

Инглиз тилини ўрганамиз

I cut my finger. Мен бармогимни кесиб олдим. Я порезал палец.

Where is the pain? Каерингиз оғрипти? Где у вас болит?

Does it hurt if I press here? Шу ерни босганимда оғриқни сезяпсизми? Чувствуете ли вы боль, когда я надавливаю здесь?

I'll put on a plaster cast. Мен гипс қўймоқчиман. Я наложу гипсовую повязку.

You need to wash, clean and dress the wound. Жароҳатни ювиб, тозалаб, боғлаш керак. Нужно промыть, почистить и перевязать рану.

- Collar-bone. Ўмров суюги. Ключица.
- Face. Юз. Лицо.
- Gum. Милк. Десна.
- Hip. Сон. Бедро.
- Infection. Инфекция. Инфекция.

Ирода ИЛХОМОВА тайёрлади.

ЛЕЧИМСЯ ПОМИДОРАМИ

Экстракт томатов снижает артериальное давление, сообщают ученые из университета Бен-Гурион (Израиль). Это происходит благодаря антиоксидантам ликопена, витамину С и Е. Ученые провели эксперимент с участием пациентов, страдающих артериальной гипертензией 1 степени. В течение 8 недель они получали капсулы, содержащие экстракт томатов. Курс «помидорного» лечения снизил давление до нормальных показателей.

РАСХИТТЕЛИ ВИТАМИНОВ

* Алкоголь вымывает из организма витамины А, группы В, кальций, цинк, калий, железо, магний.
* Никотин разрушает витамины А, С, Е и селен.
* Кофеин (более 3 чашек кофе в день) убивает витамины В, РР, снижает содержание в организме железа, калия, цинка, кальция.
* Аспирин уменьшает количество витаминов группы В, С, А, также калия и кальция.
* Снотворные средства затрудняют усвоение витаминов А, Д, Е, В12, сильно снижают уровень кальция.
* Антибиотики разрушают витамины группы В, железо, кальций, магний.


Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббий фаолиятни лицензиялаш Кенгашининг 2006 йил 19 январдаги 1-сон мажлис қарорига асосан:

Корхона номи, манзили	Лицензия рақами	Берилган санаси	Лицензиянинг бекор қилиниш санаси
«FAYZ» маркази нодавлат нотижорат ташкилоти, Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Фурқат кўчаси 1-уй	3565-тиб	2003 йил 29 октябрда	2006 йил 19 январдан
Пардаев А, Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Рудакий кўчаси, 7-уй, 18-хонадон	4522	2005 йил 17 ноябрда	2006 йил 19 январдан

Корхона номи, манзили	Лицензия рақами	Берилган санаси	Лицензиянинг амал қилиши тугатилган сана
«ASAKA TECHNOLOGI» МЧЖнинг Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Охунбобоев майдони, «Чорсу Савдо Маркази»нинг 1-қаватида жойлашган филиали	4642-тиб	2005 йил 17 июнда	2006 йил 19 январдан

Музей здравоохранения Республики Узбекистан им. К. С. Заирова, выражает искренние соболезнование родным и близким в связи с кончиной начальнича УКС Минздрава Республики Узбекистан **БОНДАКА Льва Петровича.**

«Ўзбекистонда Соғлиқни сақлаш – Здравоохранение Узбекистана» газетаси жамоаси Тошкент шаҳар, М. Улугбек тумани тиббий ҳудудий биришмасига қарашли 20-оилавий поликлиникасининг Бош шифокори Гўзал Нарзуллаевага падари бузруқвори **Нормурод НАРЗУЛЛАЕВ**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.



Gazeta muassisi:
Ўзбекистон Республикаси Соғ'лиқни сақлаш вазирлиги

Bosh muharrir vazifasini bajaruvchi:
Ibodat SOATOVA.

Tahrir hay'ati raisi:
Feruz Nazirov

Tahrir hay'ati a'zolari:
Bobur Alimov
Gavhar Isomova
Omonturdi Mirtazayev
Ozoda Muhitdinova
Mirjalol Miraliyev (Bosh muharrir o'rinbosari),
Baxtiyor Niyazmatov
Abdurahmon Nosirov
Nurmat Otabekov
Xolmurod Rabbanaev
Rixsi Solixojayeva
Namoz Tolipov
Maryash Turumbetova
Abdulla Ubaydullayev
Farhod Fuzaylov
Nodir Sharapov

Manzilimiz:
700060, Toshkent, Oхunboboev ko'chasi, 30-uy, 2-qavat.
Tel/faks: 133-57-73; tel. 133-13-22.
Gazeta Ўзбекистон Республикаси Matbuot va axborot agentligida 2003-yilning 17-noyabr kuni ro'yxatga olingan, guvohnoma raqami 211. Adadi 6850 nusxa. Ўзбек va rus tillarida chop etiladi.

Maqolalar ko'chirib bosilganda
«Ўзбекистонда sog'liqni saqlash»dan olindi deb ko'rsatilishi shart.
Buyurtma Г-651.

Gazeta «SHARQ» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxonani manzili: Toshkent shahri, Buyuk Turon ko'chasi, 41. Hajmi 2 bosma taboq. Formati A3. Ofset usulida bosilgan. Gazeta IBM kompyuterida terildi va sahifalandi. E'lon va bildiruvlardagi fakt hamda dalillarning to'g'riligi ushun reklama va e'lon beruvchilar mas'uldir.

Sahifalovchi:
Baxtiyor QO'SHOQOV.

Bosmaxonaga topshirillish vaqti 20.00.

Topshirildi 21.00.